
Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти

2021 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-734-сонли қонуни қабул қилинган.

Мазкур қонун билан ҳайдовчиларга транспортни бошқариш вақтида қўйиладиган талабларнинг айримларига ўзгартириш киритилган.

Киритилган ўзгартиришларга кўра, ҳайдовчилар белгиланган тезликни ошириб юборганида қайд этилган тезликдан 5 км чегириб ташлаб жазо қўлланилади.

Ҳайдовчиларга транспортни бошқариш вақтида қўйиладиган талабларнинг айримларига ўзгартириш киритилди.

Киритилган ўзгартиришларга кўра, ҳайдовчилар транспортни бошқаришда телефондан қулоқчинлар орқали ва қўлларини ишлатмасдан гаплашиш имконини берадиган ускуналар орқали фойдаланиши мумкин.

Ҳайдовчилар белгиланган тезликни ошириб юборганида қайд этилган тезликдан 5 км чегириб ташлаб жазо қўлланилади.

Ҳайдовчи ёнида паспорти ёки ID-картаси бўлганида транспортни бошқариш, рўйхатдан ўтказганликка оид хужжатларни, ишончномани, суғуртани ёнида олиб юриши талаб этилмайди (мазкур тартиб 2022 йил 1 марта кучга киради).

Шунингдек, транспорт салонининг олд қисмига монитор (дисплей) ўрнатганлик учун жавобгарлик бекор қилинди.

Валюталарни ноқонуний олганлик учун жарима миқдори БХМНИНГ 10 бараваридан 20 бараваригача этиб белгиланди (илгари қатъий БХМНИНГ 20 баравари эди).

Автомобилда йўловчиларни лицензиясиз ташиганлик учун фуқароларга жарима БХМНИНГ 30 баравари этиб белгиланди (илгари БХМНИНГ 20 бараваридан 100 бараваригача эди).

Иброҳимжон Турсунов

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси

2024-05-28 19:00:38